**Баҳолаш бўйича**
**ШАРТНОМА № Д-107**

13 июнь 2022 й. Тошкент шаҳар

«PROFESSIONAL EXPERTISE» МЧЖ (кейинги ўринларда **“Бажарувчи”** деб юритилади) номидан директор Н.Айдарбекова жамият Низоми ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрдаги баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи BL 003 серияли, рақами № 0010 (реестр №RR-0283) бўлган лицензия ва “Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти”га 2021 йил 4 март санасидаги аъзолиги асосида иш юритувчи бир томондан ва “O'ZTRANSGAZ” АЖ бошқарув раиси ўринбосари Б.Маматкаримов 2022 йил 5 январь 01-32/24Д-сонли ишончномага асосан иш юритувчи (кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда кейинчалик матн бўйича Томонлар деб юритилади, 2022 йил 12 майдаги Баҳолаш бўйича тендер танлов комиссиясининг баённомаси асосида ушбу шартномани туздилар:

## 1. Шартнома мазмуни

1.1. Ушбу шартнома шартларига асосан **Буюртмачи** топшириқ беради ва шартномага асосан тўловларни тўлайди, **Бажарувчи Буюртмачининг** мол-мулкларининг бозор қийматини аниқлаш бўйича ишлар(хизматлар) комплексини тақдим қилади.

1.2. **Баҳолаш объекти:** 20 дона номоддий активлар, 500 дона асосий воситалар ва товар моддий бойликлар.

1.3. **Баҳолаш объекти манзили:** объектлар Республиканинг турли шаҳарларида жойлашган ва аниқ манзиллари Буюртмачи томонидан Бажарувчига тақдим этилади.

1.4. **Баҳолаш мақсади:** Бозор қиймати.

1.5. **Аниқланадиган қиймат тури:** Бозор қиймати.

1.6. Юқоридаги 1.1 - бандда кўрсатилган хизматлар ушбу шартномага асосан бажарилади.

1.7. Суғурта. Суғурта полис рақами №68/13-00-00/003-21 «ALFA INVEST» МЧЖ томонидан 08.09.2021 йилда берилган баҳоловчиларнинг профессионал фаолияти бўйича жавобгарлиги суғурталанган.

## 2. Шартноманинг умумий қиймати ва нархи

2.1. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишлар қуйидагилар:

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Нархи | ҚҚС | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Товар моддий бойликлар | 500 дона | 41 739.13 | 3 130 435.00 | 24 000 000.00 |
| 2. | Кўчмас мулк объектлари | 20 дона | 2 173 913.04 | 326 086.96 | 50 000 000.00 |
| | ЖАМИ | 520 | | | 74 000 000.00 |

Шартноманинг умумий қиймати (ҚҚС билан) жами **74 000 000,0** *(Етмиш тўрт миллион)* сўм **00** тийинни ташкил қилади.

2.2. Ушбу шартнома бўйича бажариладиган ишлар қиймати шартномавий ва шартноманинг қиймати шартноманинг амал қилиш муддатида ўзгаришсиз қолади.

5.4. **Бажарувчи** қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.4.1. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун ўзининг имкониятларидан келиб-чиққан ҳолда, ўзининг ҳисобидан мустақил эксперт гурухларини жалб қилиши мумкин.

5.4.2. Ушбу баҳолашни амалга ошириш учун **Буюртмачидан** баҳоланаётган объектлар бўйича қўшимча маълумотлар, аниқликлар олиш, хужжатлар тўплами билан танишиш имкониятига эга бўлишни талаб қилиш.

5.4.3. Баҳолаш ҳаражат ва даромад ёндашувлари асосида амалга оширилади.

5.4.4. Агар **Буюртмачи** шартнома талабларини бузса, баҳолаш объекти бўйича керакли ахборотларни тақдим қила олмаса ёки шартнома бўйича ишлар шартларини бажара олмаса баҳолаш жараёнидан воз кечиши мумкин.

## 6. Томонлар жавобгарлиги

6.1. Ишларнинг бажарилиши ёки алоҳида босқичлар бажарилиши муддатларининг бузилгани учун **Бажарувчи Буюртмачига** ишлар қийматининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,4 фоиз миқдорида пени тўлайди, лекин ўзаро тузилган шартнома суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

6.2. Бажарилган ишлар учун тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун **Буюртмачи Бажарувчига** кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,4 фоиз миқдорида пени тўлайди, лекин ўзаро тузилган шартнома суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

6.3. Шартнома мажбуриятларини бузган томондан кейинчалик унинг бажарилиши ва келтирилган зарарни коплашдан озод килинмайди.

6.4. **Бажарувчи Буюртмачи** томонидан тақдим қилинадиган ҳужжатлар билан ишлаш вақтида уларни тўлиқ сақлаш бўйича жавобгар ҳисобланади. **Бажарувчи Буюртмачи** томонидан нотўғри ёки чалғитувчи маълумотларни тақдим этиши ёхуд ўз фаолиятига ва (ёки) ишга тааллуқли бўлган ахборотни яширган ҳолатлар бўйича жавобгар эмас.

6.5. **Бажарувчи Буюртмачи** томонидан ишларни бажариш учун керакли маълумотларни вақтида етказиб бермаганлиги сабабли ишларни вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгар эмас.

6.6. **Томонлар** форс-мажор холатлар (табиий офатлар, урушлар, қонун хужжатларига ўзгартиришлар киритилиши ва х.к.) бўйича ўзларининг мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки тўлиқ бажарилмаслиги учун жавобгар эмаслар.

## 7. Коррупцияга қарши курашишга доир мажбурий шартлар

7.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлар ёки воситачилар ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан бевосита ёки билвосита ўз манфаатларини кўзлаб ноқонуний қарор қабул қилишга эришиш учун ва ғайриқонуний равишда бойлик орттириш мақсадида ёки бошқа ғараз ниятда ҳар қандай пул маблағларини тўлашни таклиф этмайди, қимматбаҳо буюмларни совға сифатида олишга ёки уларнинг хизматларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари пора бериш, пора олиш, пора олишда ёки беришда воситачилик қилиш (Ўз.Рес.ЖКнинг 210-214 моддалари), шунингдек амалдаги Қонунларда ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

10.7. Ушбу шартнома икки нусхада тузилиб ҳар бир томон учун бир нусхадан берилади.

10.8. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр кунига қадар амал қилади.

## 11. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

| БАЖАРУВЧИ:<br>"PROFESSIONAL EXPERTISE" МЧЖ | БУЮРТМАЧИ:<br>"O'ZTRANSGAZ" АЖ |
|---|---|
| Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани,<br>Тўртариқ кўчаси, 210- уй,<br>Тел:(71) 266 70 78,<br>E-mail: pro-expertise.uz@mail.ru<br>Х/Р: 20208000105264445001,<br>АТБ "Халқ банк" Мирзо Улуғбек филиали<br>МФО: 00822, СТИР: 307634075,<br>ИФУТ: 68310 | Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 31А уй.<br>Тел.: (71) 202 10 08;<br>Х/р: 2021 0000 9001 1783 6001<br>АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Ракат филиали<br>МФО: 0435, СТИР: 200626188,<br>ИФУТ: 49500 |
| ______________Н.Айдарбекова | ______________ Б.Маматкаримов |

**“O'ZTRANSGAZ” АЖнинг 20 дона номоддий активлар, 500 дона асосий воситалар ва товар моддий бойликларини**

бахолашни белгилаш хакидаги

# В А З И Ф А С И

**Тошкент шахар** "13" июнь 2022 йил

| | |
|---|---|
| **Бахолаш объекти :** | “O'ZTRANSGAZ” АЖнинг 20 дона номоддий активлар, 500 дона асосий воситалар ва товар моддий бойликлари |
| **Буюртмачи:** | **“O'ZTRANSGAZ” АЖ**<br>Манзили: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси, 31А уй.<br>Телефон:<br>х/р: 2021 0000 9001 1783 6001<br>Банк : АТБ “Узсаноаткурилишбанк” Ракат филиали<br>СТИР: 200626188<br>ОКЕД 49500 МФО: 00435 |
| Бахолаш обьекти жойлашган манзил: | объектлар Республиканинг турли шаҳарларида жойлашган ва аниқ манзиллари Буюртмачи томонидан Бажарувчига тақдим этилади. |
| Бахоловчи ташкилот : | «PROFESSIONAL EXPERTISE» МЧЖ<br>Тошкент шахри, М.Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 210- уй,<br>Тел:(93) 502 70 78, E-mail:pro-expertise.uz@mail.ru<br>Х/Р: 20208000105264445001, АТБ "Халқ банк" Мирзо Улуғбек филиали<br>МФО: 00822, СТИР: 307634075, ИФУТ: 68310 |
| Бахолашни утказиш учун асос: | 13.06.2022 йилдаги Д-107-сонли шартнома |
| Бахолаш обьектининг ташкилий хукукий шакли : | Акциядорлик жамияти |
| Бахолашнинг максади ва вазифалари | Бозор қийматини аниқлаш |
| Аникланаётган киймат тури | Бозор киймати |
| Чекловчи шартлар | Бахолаш натижалари бахоланган кун ва хисоботда курсатилган максадлар учунгина тугридир хамда бахоловчи бахоланаётган мулк киймати тугрисидаги тавсия беради. |
| Бахолаш санаси | Бахолаш санаси Бажарувчига Бюртмачи томонидан берилган бюртмалар санасига мос равишда ҳисоб-китоб қилинади |
| Бахолашни утказиш графиги (муддатлари) | Бахолаш учун маьлумотлар туплами тўлик тақдим килингандан сунг 15 (Ўн беш) кун. |
| Буюртмачи ёки узга ваколатли шахс тақдим этиши лозим булган бошлангич ахборот руйхати: | Бахоланадиган активлар рўйхати<br>Корхона низоми, Тасис шартномаси, гувохномаси,<br>Асосий воситаларнинг хужжатларидан нусхалар<br>Бориб кўриб фото суратларга туширилиши;<br>Кўздан кечириш далолатномаси;<br>Беш йиллик баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар. |

Тақдим этилаётган бошлангич ахборот буюртмачининг имзоси билан тасдикланиши лозим.

**Бажараувчи:** **Буюртмачи:**

**«PROFESSIONAL EXPERTISE» МЧЖ директори** **“O'ZTRANSGAZ” АЖ**

_______________**Н.Айдарбекова** _______________ **Б.Р.Маматкаримов**